



2013 йил 16 май,
пайшанба, 19 (495)-сон

XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY
GAZETA

Газета 2004 йил
1 январдан чиқа бошлаган,
e-mail: axborotXlasr@yahoo.com,
web sayti: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Ислоҳотлар самараси ташаббус ва саяҳат-ҳаракатларимизга боғлиқ

3 ИСЛОҲОТ



Дастур ижроси учун масъулмиз

5 ҲУДУДЛАРДА



Одам савдоси қурбонлари 27 миллионга етди

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

ЭЛ-ЮРТГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ БИЛАН...



Ўзбекистонда жисмонан соғлом, маънан бой ва интеллектуал ривожланган баркамол авлодни тарбиялаш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Тарбиявий ишларни ташкил этишда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида камол топтириш, йигит-қизларда Ватан тақдирини учун масъулият туйғусини шакллантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш алоҳида ўрин тутади

Мамлакатимизнинг четарога яқин ҳудудларида жойлашган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида бир неча йиллардан бери «Ёш четаро» ҳарбий-ватанпарварлик клублари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ташкил этилиши фарзандлари буш вақтини фойдаланиб ўтказишни истайдиган ота-оналар томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда ва ҳарбий хизматга қақриқ ёшидаги ёшларда қатта қизиқish уйғотмоқда. Ҳагто қизлар ҳам клубларга аъзо бўлмоқда.

2 >>>

ИҚТИСОДИЁТ

ҚЎМИТА ҚОНУНБУЗАРЛИК ҲОЛАТЛАРИ БИЛАН МУРОСА ҚИЛМАЙДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги фармонида мувофиқ, Давлат мулкни бошқариш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмиталари негизда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилиб, унинг асосий вазифаси сифатида хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондларидаги давлатга тегишли активлар ҳамда акциялар пакети (улушлари)ни сотиш, давлат мулкни хусусий мулк эгаларига сотишда очиқлик ва ошораликни таъминлаш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестициявий мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш қатъий белгилаб қўйилди

4 >>>



Асар ЮСУБОВ (ЎЗА) оғраи оғрат

Асосий эътибор — «Электрон ҳукумат»га

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА ҲАР ЙИЛИ ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР КЎРГАЗМАСИ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ДАСТУРЧИЛАРИ ФОРУМИ ИШ БОШЛАДИ

Тадбир Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва

ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси қўмағида ташкил этилди.

Эттинчи мартаба ўтказилаётган «Best

Soft Uzbekistan – 2013» кўргазмаси ва форумида мамлакатимиз софтвер саноатининг бизнес-ҳамжамиятлар, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари, аҳоли кенг қатламлари учун мўлжалланган ютуқлари намойиш этилмоқда

8 >>>

ҚОНУНЧИЛИК

Янгича талаблар даражасида ишлаш масъулияти

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИГА КЕНГ ИМКОНияТЛАР ЯРАТИБ БЕРГАН ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА ҚИРГАНИДАН БЕРИ ҚАРИЙБ БИР ОЙ ЎТДИ. ХЎШ, МАЗКУР ҲУЖЖАТ НОРМАЛАРИНИ ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар муваффақияти сиёсий партияларнинг етуқлик даражаси, уларнинг Ватан тараққиёти йўлидаги улкан масъулиятини ўз зиммасига олишга қанчалик тайёрлиги, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги ва ҳуқуқий маданиятига қўп жиҳатдан боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас. Юртимиз сиёсий ҳаётида юз бераётган демократик янгиланишларнинг мазмун-моҳиятига шу жиҳатдан ёндашганда, яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш сиёсий партиялар фракцияларига ўз ваколатларини янада самаралироқ рўсбга чиқариш

учун янги имкониятлар яратганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу қонуннинг кучга кириши, энг аввало, парламент кўйи палатасида қонун лойиҳаларини кўриб чиқишнинг барча босқичларида, яъни уни кўриб чиқиш учун қабул қилишдан тортиб уч ўқишда кўриб чиққунча сиёсий партиялар фракцияларининг фикр ва мулоҳазалари инobatта олинишини асосий ўринга чиқарди. Хусусан, қонунда «Фракцияларнинг қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва тақлифларисиз масъул қўмига ушбу қонун лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини чиқариш ҳуқуқига эга эмас», «Фракцияларнинг қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва тақлифлари ҳисобга олиниши шарт» каби нормаларнинг қатъий белгилаб қўйилиши бу борада яратилган энг муҳим ҳуқуқий асослардан бири бўлди.

3 >>>

ПАРЛАМЕНТДА

Мувофиқлаштирувчи гуруҳ иш бошлади

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИДА «ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING РЕГЛАМЕНТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН КУЧГА ҚИРГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПАРЛАМЕНТ ҚЎЙИ ПАЛАТАСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кенгаш аъзолари мазкур қонун сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқ ва ваколатларини сезиларли равишда кенгайтиргани баробарида уларнинг роли ва масъулиятини ҳам оширганини алоҳида таъкидладилар. Бу эса, ўз навбатида, парламент кўйи палатасида қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш тизими янада такомиллаштирилганини англатади. Бошқача айтганда, қонун лойиҳаларини кўриб чиқишга қабул қилишнинг сифат жиҳатдан янги, яна-



да демократик тартиби ўрнатилиб, бу жараённинг барча босқичларида сиёсий партиялар фракциялари иштирокининг процессуал механизми аниқ белгилаб қўйилди.

2 >>>

КОНЦЕПЦИЯ

Асосий босқичга киришдик

САМАРҚАНД ВА БУХОРО ВИЛОЯТЛАРИДА «ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ СИНОВИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ ЯҚУНЛАНДИ

Агар экспериментнинг биринчи босқичида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун лойиҳаси нормаларида белгиланган очиқлик режимида фаолият кўрсатишига доир регламентларига ишлов берилган ва кенг жамоатчилик бу ҳақда хабардор этилган бўлса, галдаги босқичда асосий эътибор қонун лойиҳаси қодаларини, шу жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишдан манфаатдор бўлган ОАВ, фуқаро-

лик жамияти институтлари, аҳолининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи нормаларни такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифларни ишлаб чиқишга қаратилади.

Шу ўринда илк бор ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент тадбирларини барча юрдошларимиз диққат билан кузатиб бораётганларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Буни юрдошларимизнинг кўйидаги фикрларидан ҳам билиш мумкин.

2 >>>

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Сайлов қонунчилигининг такомиллаштирилиши

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНияТЛАР ЯРАТДИ

Ҳақиқатан ҳам, миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашуви икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ва умумэтироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукамал қонунчилик базасининг шаклланишига

олиб келди. Ушбу қонунларда давлат ҳокимияти вақилик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодларни эса сиёсий партияларнинг жойларда-

ги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципал қоида мустақкамланди.

Депутатликка номзодларнинг давлат ҳокимияти ижро органлари томонидан кўрсатилиши амалиёти бекор қилингани эса демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлидаги энг муҳим қадам бўлди.

2 >>>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 14 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

1 Австралия долларини	▼ 2068,16
1 Англия фунт стерлингини	▼ 3181,88
1 Дания кронаси	▼ 361,38
1 БАА дирҳами	▲ 564,67

1 АКШ долларини	▲ 2073,97
1 Миср фунти	▼ 298,43
1 Исландия кронаси	▼ 17,25
1 Канада долларини	▼ 2047,15

1 Ҳингй юани	▲ 337,36
1 Малайзия ринггини	▼ 690,86
1 Польша злотийсини	▼ 647,79
1 СДР	▼ 3110,69

1 Туркия лираси	▼ 1149,14
1 Швейцария франки	▼ 2162,41
1 ЕВРО	▼ 2712,39
10 Жанубий Корея вонини	▼ 18,58

10 Япония иенаси	▼ 203,57
1 Россия рубли	▲ 66,72
1 Украина гривнаси	▲ 259,47

ПАРЛАМЕНТДА

Сайлов қонунчилигининг такомиллаштирилиши

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНияТЛАР ЯРАТДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Адхам Шодмонов,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Сайлов қонунчилигига энг ривожланган демократик давлатлар тажрибасида ҳам камдан-кам учрайдиган сайловга тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ муҳим вазифаларнинг Марказий сайлов комиссиясига берилиши сайлов кампанияси жараёнида давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан ариштирилган қаратилган ҳар қандай уришларни тақиқлаб қўйди.

Шу ўринда сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўттиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилгани ва уларга зарур бўладиган сайловчилар имзоси миқдорининг аввалги 50 минг ўрнига 40 минг эди белгиланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони эса 5 нафардан 10 нафаргача кўйилди. Шулар қаторида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиянинг «ваколатли вакили» деган янги институт киритилиб, уларга имзо варақаларининг тўри тўлдирилишини текшириш, сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи берилганини айтиш мумкин.

Шу даврда сайлов комиссияларининг сайловга тайёрлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолиятида ошқораликни кўпроқ таъминлашга қаратилган нормалар ҳам мустақамланди.

Энг эътиборлиси, миллий сайлов тизими хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини оширишда ҳам бошқа мамлакатлар сайлов тизимидан ажралиб туради. Негатки, сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг қамиди 30 фоизини аёллар ташкил этиши шарт экани тўғрисидаги норма қонун билан белгиланди. Шунинг учун ҳам 2009 йилги сайловларда парламент куйи палатасидаги жами депутатларнинг 22 фоизини ёки 33 нафарини хотин-қизлар ташкил этди. Сенат аъзоларининг ҳам 15 фоизи аёллардир. Маҳаллий вакилик органларида фаолият кўрсат-



таётган аёллар эса бугунги кунда жами депутатлар сонининг 20 фоизидан ортигини ташкил этмоқда.

Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари асосида Марказий сайлов комиссиясида сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича махсус ишчи гуруҳи тузилиб, икки йил мобайнида хорижий ва халқаро тажриба ўрганилди.

Шу ўринда Концепция асосида қабул қилинган қонунларга тўхталиб жоиз, албатта.

Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддаси ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни, яъни партияларо рақобатнинг кучайиши, сайловдаги ташвиқотнинг шакли ва усуллари такомиллашиб бораётгани ва сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратилгани билан изоҳлаш мумкин.

Бундан ташқари қонуннинг 27-моддасига сайловдаги ташви-

қотини бир кун олдин тўхтатиш тўғрисидаги норма киритилди. Мазкур норманинг қонунчилигимизга киритилиши сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаш, бошқача айтганда, уларнинг ким учун ва қандай сиёсий дастур учун овоз беришда олғи тарзда аниқ бир қарорга келишларига қўшимча вақт бериш имконини яратди.

Шу ўринда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 41-моддаси ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасида жойлардаги участка комиссиялари учун муддатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидалари аниқлаштирилгани ҳам таъкидлаш жоиз.

Шу билан бирга, сайлов қонунчилигида «овоз бериш кунига қалар беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари ва сайлов натижалари прогнозлари ҳамда сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоқлари) жойлаштириш тақиқлаб қўйилди.

Сайловдаги ташвиқот самардорлигини ошириш мақсадида эса 2004 ва 2009 йиллардаги парламент сайлови кампаниялари тажрибасининг таҳлилини ҳисобга олган ҳолда ташвиқотни олиб бориш

турлари, шакллари ва усуллари белгиланди. Жумладан, эндиликда сиёсий партия дастури ва (ёки) сайловдаги платформаси тўғрисидаги ахборотни тарқатиш, депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни унинг учун овоз беришда даъват қилган ҳолда тарқатиш каби аниқлаб қўйилди. Бундан ташқари сайловдаги ташвиқотнинг омма олдида мунозаралар, бахслар, маъбулот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партиялар тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шакллари аниқ белгилаб қўйилди. Сайловдаги участка комиссиялари учун муддатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидалари аниқлаштирилгани ҳам таъкидлаш жоиз.

Шу билан бирга, сайлов қонунчилигида «овоз бериш кунига қалар беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари ва сайлов натижалари прогнозлари ҳамда сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоқлари) жойлаштириш тақиқлаб қўйилди.

Сайловдаги ташвиқот самардорлигини ошириш мақсадида эса 2004 ва 2009 йиллардаги парламент сайлови кампаниялари тажрибасининг таҳлилини ҳисобга олган ҳолда ташвиқотни олиб бориш

Мувофиқлаштирувчи гуруҳ иш бошлади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўз мухбиримиз

Жумладан, келиб тушган қонун лойиҳаларини тақсимлашга доир жорий этилган механизмга мувофиқ, Қонунчилик палатаси Кенгаши уларнинг дастлабки тарзда кўриб чиқилишига масъул бўлган қўмитани ўз мажлисида бамаълаҳат белгилайди. Қонун лойиҳаси масъул қўмита билан бир вақтда фракцияларга (депутатлар гуруҳига) юборилиб, улар қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини масъул қўмита билан бир хил муддатларда кўриб чиқишга киришмоқдалар.

Бунда масъул қўмита фракцияларнинг (депутатлар гуруҳининг) қонун лойиҳасига доир нуқтани назари ва таклифларисиз қонун лойиҳаси юзасидан ҳулоса чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Янги тартибга кўра, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқиш пайтида маърузачи фракцияларнинг (депутатлар гуруҳининг) фикрлари ва таклифларини депутатлар эътиборига мажбурий тарзда етказди.

Мажлиси ана шундай муҳим вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида Қонунчилик палатаси Кенгаши ҳузу-

рида киритилаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузилаётгани таъкидланди. Қуйи пала-

та девони ходимларидан иборат таркибдаги ушбу гуруҳ зиммасига келиб тушган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш), улар ҳақида Кенгаш аъзоларини хабардор қилиш ва ана шу лойиҳаларни кўриб чиқишнинг барча босқичларини кузатиб бориш вазифаси юклатилмоқда.

Шу муносабат билан йиғилишда «Киритилаётган қонунлар лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тўғрисида»ги Низом кўриб чиқилди. Қизгин баҳс-мунозаралар давомида барча фракциялар ва депутатлар гуруҳи вакиллари ушбу ҳужжат юзасидан ўз қарашларини баён этдилар. Хусусан, O'zLiDeP фракциясининг нуқтани назарига, мазкур Низомнинг бир мунча қисқа кўринишига эга бўлганлиги мақсадга мувофиқдир. Чунки Мувофиқлаштирувчи гуруҳ олдида турган вазифалар ва унинг ўз фаолиятида эътибор қаратиши лозим бўлган жиҳатлар қонунда тўлиқ акс эттирилгани учун уларни қонуности ҳужжатида яна такоррорлашга зарурат йўқ.

Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг сиёсийлашмаган тузилма тарзида ташкил этилиши, унинг ходимлари ҳеч қайси фракцияга дахлдор эмаслиги ниҳоятда муҳим ҳолат. Бу эса, O'zLiDeP фракциясининг фикрича, қонун лойиҳаларини тақсимлаш ва тайёрлаш жараё-

нида ҳолислик ва бета-рафликни таъминлашга хизмат қилади.

— Лекин Низомнинг Мувофиқлаштирувчи гуруҳ вазифалари, функциялари ва ҳуқуқларига бағишланган қисмини янада аниқлаштириш талаб этилади, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Собир Жабборов. — Токи, бу гуруҳ ишида Қонунчилик палатаси девонининг бошқа бўлимлари ҳамда қўмиталар фаолиятининг айрим жиҳатларини такоррорловчи ҳолатлар келиб чиқмасин. Демак, Низомда белгиланаётган қоидаларни яна бир бор таҳлил қилиш фойдалан холи бўлмайди. Шу нуқтани назардан фракциямиз бу борадаги таклиф ва мулоҳазаларни ёзма равишда тақдим қилганини маълум қилмоқчимиз.

Йиғилиш иштирокчилари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятни мувофиқлаштиришни таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини кўриб чиқиб, уни қабул қилдилар. Шунингдек, билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда, «Киритилаётган қонунлар лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тўғрисида»ги Низом ва мазкур гуруҳ таркиби ҳам тасдиқланди.

Концепция

ХУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ:

Асосий босқичга киришдик

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Хоним МАМАТОВА,
Самарқанд шаҳридаги «Файзи»
хусусий корхонаси директори,
O'zLiDeP аъзоси:

— Мазкур қонун лойиҳасининг пишқириш-пухта қабул қилинишидан, биринчи навбатда, O'zLiDeP электорати, яъни биз, тадбиркорлар манфаатдоримиз, десак муболага бўлмайди. Чунки ҳар бир ҳаракатимиз давлат илоралари томонидан чиқарилаётган меъриий ҳужжатлар ва улар фаолиятининг ошқоралиги билан бевосита боғлиқ. Шу маънода, ушбу қонун лойиҳасининг синови бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент уни маромига етказишда, турли талқинларни келтириб чиқаради-

ган ҳавола нормаларнинг имкон қадар камайитирилишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Ишбилармонлар манфаатини ифодаловчи партия аъзоси ва депутат сифатида жорий этилаётган янги услуб айна пайтда Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиётини тизимли равишда такомиллаштириш жараёнидаги тамомила янги босқичдир, десам янглишмайман. Модомики, Юр-тбшмизнинг ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисидаги фармоиши ижросини таъминлаш жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВ билан янада кенг муносабатлар ўрнатишига қўмаклашиши шубҳасиз.

Ахтам ИСАЕВ, халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари, «Ширбуддин» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

— Ҳуқуқий экспериментдан кўзда тутилган мақсад давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг реал фаолиятида ушбу қонун лойиҳасини синовдан ўтказишдан иборат бўлиб, ҳар икки вилоятдаги давлат тузилмаларидан ташқари оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, уларнинг ишлари ҳақида ахборот олишдан манфаатдор юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳам мазкур экспериментнинг иштирокчилари ҳисобланадилар. Шу маънода, қонун лойиҳасида дав-

лат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз фаолияти очиклигини таъминлаш бўйича мажбуриятларини қатъий белгилан назарда тутилгани айна мулоҳазадир. Масалан, жисмоний ва юридик шахсларнинг расмий талаби у рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмайдиган муддатда, оммавий ахборот воситаларининг эксперимент субъектлари фаолияти, унинг мансабдор шахслари билан интервью ташкил қилиш тўғрисидаги талаби эса етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқишни шарт. Бунда ахборот олиш талаблари ёзма, жумладан, электрон ҳамда оғзаки шаклда юборилиши ҳам мумкин. Буларнинг барчаси фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини янада кенгайтиради.

Озод РАЖАБОВ тайёрлади.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Эл-юртга муҳаббат ва садоқат билан...

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

— Клубимизга 26 нафар йигит-қиз аъзо, — дейди Андижон вилояти Хўжабод педагогика ва ижтимоий-иқтисодий коллежининг «Ёш чегарачи» клуби раҳбари Азизилло Бўтаев. — Уқишдан бўш вақтда ўтказилаётган дарсларда улар турли ҳарбий соҳалар бўйича зарур билим ва кўникмаларга эга бўлмоқда. Бундан ташқари, йигит-қизлар ҳарбий қисмларга ҳам тез-тез бориб туради. Клубимизга ҳарбий хизматчилар, фахрийлар ташриф буюриб, қимматли маслаҳатларини беради. Клуб ташкил этилганидан буён ўтган уч йил мобайнида бир қанча китоб ва қўланма, ҳарбий атамалар лугати тайёрлаб, чоп эттирилди.

2011 йилда «Ёш чегарачи» клублари оммалашиб бораётгани эътиборга олиниб, улар ўртасида уч босқичли ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларини ўтказишга қарор қилинди. Бунинг натижасида ёшларнинг билим ва тажриба алмашиши учун шароит яратилди. Йигит-қизларда жамоадорлик ва мусобақалаш руҳини мустақамлаш, Ватан тақдирини дахлдор-

лик туйғусини кучайтириш имкони пайдо бўлди. Мусобақалар Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказийнинг «Ёш чегарачи» клуби раҳбари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳуна таълими маркази, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ташкил этилмоқда.

Жорий йилнинг февраль-март ойларида Ўзбекистоннинг чегарага яқин ҳудудларида яшашган 5 минг нафардан ортиқ йигит-қиз иштирокида мусобақаларнинг худудий босқичлари ўтказилди. Ёшлар жанговар, спорт ҳамда интеллектуал тайёрликнинг бир қанча турлари бўйича ўз қобилият ва кўникмаларини намойиш этди. Бундан ташқари, ҳайрат аъзолари бўлажак чегарачиларнинг тарих, сиёсат, география фанларидан билимларини ҳам синаб кўрди. Энг яхши натижа кўрсатган 12 жамоа Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмлар билан бирда бўлиб ўтган «Ёш чегарачи» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларининг финал босқичида қатнашди.

— Мусобақалар давомида



чегарачиларнинг хизмат ва яшаш шароитлари билан яқиндан танишдик, — дейди Нукус давлат педагогика институтини ҳузуридаги Амурар академик билан иқувчиси Муҳаммад Отахонов. — Биз аскарларнинг дам олиш хоналарида яшадик, улар билан бирга овқатландик, жанговар техника ва қуроллар билан танишдик, ҳарбий хизматчилар маҳоратини кўриш ва ундан завқ олиш имконига эга бўлдик.

Мусобақалар якуни бўйича

умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Тошкент вилояти Бекобод тумани «Қалқон» жамоасига насиб этди. Самарқанд вилояти Ургут тумани «Амир Темур авлодлари» жамоаси иккинчи, Сурхондарё вилояти Мураббот тумани «Қоплон» жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари, алоҳида номинациялар бўйича ҳам энг яхши иштирокчилар аниқланди. Ғолиб ва совриндорлар дипломлар, фахрий ёриқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

ИҚТИСОДИЁТ

Кўмита қонунбузарлик ҳолатлари билан муроаса қилмайди

Давоми. Бошланчи 1-саҳифада ◀

Бундан ташқари янги кўмита зиммасига паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш, шунингдек, мамлакатимизда монополия сиёсатини изчил амалга ошириш, рақобатнинг ривожланишини таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш, шунингдек, реклама фаолияти устидан назорат ўрнатини вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Сайфитдин Гафаровнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тараққиётнинг замонавий талабларидан келиб чиққан ҳолда барча соҳада самарали бошқарув ва ишга янгилаш механизмларини тақозо этмоқда.

— Давлатимиз раҳбари томонидан ўтган йилнинг 25 апрелида қабул қилинган «2012-2013 йилларда давлат мулкларини хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги 1743-сонли қарори талабларини бажариш бўйича кўмита томонидан қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Таъкидлаш жоизки, ўтган 2012 йилда жами 87 та давлат мулки сотилиб, шу асосда 27,4 млрд. сўм ва 2,5 млн. АҚШ доллари миқдоридан олинган шартномалари имзоланди. Натيجлада инвесторлардан 16,42 млрд. сўм ва 2,5 млн. доллар миқдоридан инвестиция киритиш мажбуриятлари қабул қилинди. Улар асосан ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳсулот ҳажми ва турларини кўпайтириш, кўшимча иш ўринлари ташкил этиш каби мақсадларга йўналтирилмоқда.

Оқоридаги қарор талабларидан келиб чиқиб, бутунгача 234 та давлат мулки объекти баҳоқанди, уларнинг 145 таси оммавий савлоларга чиқарилди. Шу тариқа 47 та мулк сотилди. Қолганлари бўйича хусусийлаштиришга оид тегишли ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки объектларини келтириб беришга қўйилган шартлар ва уларни тасарруф этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган 1187 та объект рўйхати тасдиқланиб, улардан оқилона фойдаланиш чоралари белгиланганини айтиб ўтиш лозим. Мазкур қарорга мувофиқ ўтган давр мобайнида 558 та давлат мулки объектлари маҳаллий ҳокимликлар балансида ўтказилган бўлса, 85 та объект бўйича тендер савдолари шартлари белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, тендер савдолари босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид кўшимча тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансида бўлган паст ликвидли объектларнинг рўйхати тузилиб, айни пайтда улар негизда хорижий инвестициялар иштирокида янги корхоналар барпо этиш ва инвесторларнинг жалб этиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётир.

— Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Айтинчи, кўмита фаолияти самарадорлигини таъминлаш, жойларда бандлик муаммосини ҳал этиш учун нимага қўйиб эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Янги иш ўринлари ва бу жараёнда кўмита иштироки ҳақида сўз борганида, энг аввало, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги «Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифалар ижросига тўхталмиш жоиз, деб ҳисоблайман. 2013 йилнинг дастлабки чораги мобайнида юқоридаги қарор асосида давлат муассасалари ва корхоналари хатловдан ўтказилиб, Ижара марказлари томонидан 13387 та фойдаланилаётган нотурар-жой давлат объектлари аниқланди ва улардан 12305 таси ижарага берилди. 2013 йил 1 апрель ҳолатига жами 13,3 мингта

ижара шартномаси тузилиб, шу ҳисобдан 10,8 млрд. сўм маблағ келиб тушди. Бундан ташқари объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш натижасида 24,9 мингта яқин кўшимча иш ўрни ташкил қилинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 8 июлдаги 141-сонли қарори асосида жами 40,1 млрд. сўм ва 70,3 млн. АҚШ доллари миқдоридан 30 та объект сотилиб, тегишли инвестиция шартномаларининг ижроси натижасида 3187 та янги иш ўрни барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Кези келганда айтиш керакки, шу йилнинг январь ойида республикамиз бўйича ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, молиявий соғломлаштириш лас-турига киритилган 7786 та корхона ва объектлар, улар фаолиятига оид лойиҳалар асосида жами 2,8 трлн. сўмдан кўпроқ (шундан 1,3 трлн. сўми банк кредитлари, 1,5 трлн. сўми мулкдорлар маблағлари) инвестиция йўналтириш белгиланган. Ана шу асосда Тошкент шаҳри ва юртимизнинг бошқа минтақаларида жами 85 мингта зиёд янги иш ўрни яратилиши имконияти вужудга келди.

— Ўтган йили жойларда монополия субъектлари томонидан баъзи бир қонунбузарлик ҳолатлари содир этилганлиги ҳам аниқланди. Бу ҳуқуқда нима дея оласиз?

— 2012 йил давомида олиб борилган назорат ишлари натижасида амалдаги қонунчилик талабларининг бузилиши бўйича жами 298 та иш кўзатирилган бўлиб, шундан 221 та ҳолатда Вазирлар Маҳкамасининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги Низоми талабларига зид ҳаракатлар амалга оширилгани аниқланди. Жумладан, 135 та ҳолатда субъектлар томонидан белгиланган ёки чекланган нархларни тўғридан-тўғри ошириш орқали қонунбузарликка йўл қўйилган бўлса, 37 та ҳолатда нархларни тартибга солувчи ташкилотга ишонсиз маълумотларни тақдим этиш оқибатида нарх меъридан зиёд миқдорда белгиланган. Бу эса қонунга хилофдир.

Қолаверса текширувлар давомида «Рақобат тўғрисида»ги қонуннинг бир қатор моддаларида кўзда тутилган талабларни бузиш, жумладан, 4 ҳолатда ўз маъноси суниестемол қилиш (10-модда), 10 та ҳолатда носоглом рақобат орқали бошқа хўжалик юритувчи субъектларга зарар етказиш (13-модда), 20 та ҳолатда монополияга қарши давлат орга-



нига зарур ахборотни тақдим этмаслик (23-модда) ҳолатлари аниқланди.

— Бугунги кунда янги кўмита олдига турган асосий вазифалар нимадан иборат?

— Оқорида айтиб ўтилганидек, Президентимиз фармонида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгилаб берилган. Бунда асосий эътибор давлат мулкнинг хусусий мулк эгаларига сотин жараёнида очиклик ва ошқораликни таъминлаш, давлат мулкidan чиқаришнинг янги шакл ва усулларини жорий этиш, тегишли инвестиция мажбуриятларининг ижроси устидан қатъий мониторинг олиб боришга қаратилган, албатта.

Шу ўринда монополияга қарши самарали тартибот ўрнатиш, товар ва молия бозорларида рақобат чекланишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириш, рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини изчил назорат қилиш зиммасидаги асосий масалалардан эканини таъкидлаш лозим.

Шухрат Хўжаев суҳбатлашди.



Партиявий лойиҳалар ёшларни фаолликка ундамоқда

НАВОЙЙ ВИЛОЯТИДА О'ZLiDeP АЪЗОЛАРИНИНГ 52 ФОИЗИНИ ЁШЛАР ТАШКИЛ ЭТАЁТГАНИ, ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАРДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАНЛАРНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ҲАМ НАВҚИРОН АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН ИБОРАТ ЭКАНИ БУНГА МИСОЛ БЎЛИШИ МУМКИН

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr»

О'zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Шавкат Раҳматовнинг таъкидлашича, партиявий лойиҳалар ижросини таъминлаш борасида белгиланган режаларни амалга ошириш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини кучайтириш, улар ўртасида либерал-демократик гояларни тарғиб қилиш ишлари изчил йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда.

Жумладан, «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» лойиҳаларини ёшлар ўртасида тарғиб қилишда вилоятдаги 4 та академик лицей, 47 та касб-ҳунар коллежини тўлиқ қамраб олиш ёки иқтисод эгаларида тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш орқали ўз бизнесини очишга жиддий эътибор қаратилган. Натигада кейинги 1,5 йил мобайнида 36 нафар ёшлар партия кўмагида «Микрокредитбанк»нинг вилоят бўлими томонидан ажратилган 44 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ҳисобига тад-

биркорлик фаолиятини бошладилар. Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида иштирок этган 400 нафардан зиёд ёшларга экспертлар кенгаши томонидан бизнес лойиҳа тузиш, банклардан имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқига эришиш ҳамда бу борадаги имтиёз ва яратилган қўлайликлар, О'zLiDePнинг ёшлар сиймоси борасидаги фаолияти ҳақида тушунтиришлар ҳам берилди.

Танлов фойлиблигини қўлга киритиб, тадбиркор бўлган ёшларнинг кўпчилиги вилоятнинг Учқудуқ, Навбахор ҳамда Нурота сингари чекка ҳудудларида тикувчилик, қандолатчилик, зардўзлик, аҳолига маийш хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишларда кўшимча иш ўринлари яратиш, ушбу ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётганлиги ҳам эътирофга молик.

Ёшларни компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларидан тўғри ва мақсадли фойдаланишга ўргатиш, ахборот бозоридан рақобатни таҳлил қила олиш ҳамда ёшларнинг тарғиб қилувчи «оммавий маданият» тизимига илсиниб қўйишларини асосий мақсад қилган «Хавфсиз интернет» лойиҳасини амалга оширишга қаратилган тадбирларда эса «Сиёсий таълим маркази», «Аёллар қаноти», Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар мутахассисларининг иштироки ижобий натижа бераётганлиги боис айни кунда ушбу лойиҳа бўйича ҳам ижобий натижалар қайд этилмоқда.

Таҳлилчиларнинг фикрига кўра, лойиҳалар доирасида вилоятнинг чекка овул ва қишлоқларида, шаҳар ва туманларида ўтказилган давра суҳбати, учрашув ҳамда мулоқотлар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамаити барпо этиш, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини чуқур англаб етган, хорижий тилларни пухта эгаллаган, миллий истиқлол ҳамда либерал-демократик гоялар билан қуролланган тадбиркор ёшларни кашф этаётгани айниқса эътиборга моликдир. Энг асосийси, уларнинг аксарияти катта ҳаётга ишончли қадамни ўз бизнесига эга тадбиркор сифатида О'zLiDeP лойиҳалари кўмагида қўйишаётир.

Назорат

«Ишонч телефони»га тадбиркорлар ишончи юқори

МАМЛАКАТИМИЗДА ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ТУФАЙЛИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ СОНИ ЙИЛ САЙИН ОРТИБ БОРАЯПТИ. БУНДА МУЛҚДОРЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ ҚОНУНИЙ ҲИМОЯ ЭТИЛИШИ БОШ ОМИЛ БЎЛМОҚДА

Лекин ана шундай натижаларга қарамай, айрим ҳудудларда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Масалан, Олтинкўл туманидаги «Турсунбой ота» фермер хўжалиги раҳбари С.Исмоилов тумандаги «Анджон-пахта» акциядорлик жамаиятига контрактация шартномасига асосан топширган хом ашё учун тўланиши лозим бўлган маблағни ўз вақтида ололмади оворга бўлган. Фермер вилоят адлия бошқармасининг «Ишонч телефони»га мурожаат қилгач, ушбу вазият ўрганиб чиқилди ва вилоят хўжалик судига даъво ариза киритилди. Натигада суд қарорига асосан, унинг фойдасига 82 млн. сўмдан зиёд маблағ ундириб берилди.

Тошкент вилоятининг Куйичирчик туманидаги «Балиқчи» фермер хўжалиги раҳбари Т.Усманов ҳам вилоят адлия бошқармасининг «Ишонч телефони»га мурожаат этгач, унинг муаммоси ҳал этилди. «Мустақиллик пахта тозалаш заводи» ОАЖ томонидан 2011 ва 2012 йиллар ҳосилидан топширилган пахта хом ашёси учун 19 млн. 047 минг 610 сўм ҳам султ томонидан белгиланган муддатда мулкдор ҳисоб-рақамига ўтказиб берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Ишонч телефони»га «Абдибек-тахта» МЧЖ раҳбари Т.Қазбеков ОАТБ «Агробанк» Тахтақўпир филиали томонидан молия маблағларини кўпайтириш учун кредит ажратилиши-

ни сўраб ёзган аризасига ёзма равишда жавоб берилмаганлигидан норози бўлиб ва кредит олдига амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эди.

Муаммони ўрганиш чоғида банк филиали томонидан мурожаатнинг тегишли тартибда кўриб чиқилиши мўлдатли бўлигани маълум бўлди. Мазкур қонунбузилиш ҳолатлари бўйича ОАТБ «Агробанк» Тахтақўпир филиали бошқарувчисига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди ва жиноят ишлари бўйича Тахтақўпир туман судига маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан тақдимнома киритилди ва «Абдибек-тахта» МЧЖга 95 млн. сўм миқдорда кредит ажратилиши таъминланди.

Жондор туманида яшовчи фуқаро Н.Раҳимов тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун яқка тартибдаги тадбиркор сифатида туман Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан қайта рўйхатдан ўтказишда муаммога дуч келаётганлиги юзасидан ёрдам сўраб Бухоро адлия бошқармасининг «Ишонч телефони»га мурожаат қилган. Адлия бошқармаси томонидан мурожаат ўрганиб чиқишиб, инспекцияга киритилган кўрсатма асосида «Раҳимов Нафиса» яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

«Аёллар қаноти»

Бухоро: «Аёллар қаноти»нинг Гўлдувон туман бўлими ҳамда Куришлиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбатида 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлашда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Тадбир якунида «Обод турмуш йили» Давлат дастурини таъминлашда «Аёллар қаноти» томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Сурхондарё: Шеробод туманида «Аёллар қаноти»нинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага» номли лойиҳаси доирасидаги навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, хусусан, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандлик, касаначилик фаолиятига кенг жалб этиш орқали оилавий бизнесни ривожлантириш, аёллар бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинган очик мулоқотда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган аёллар учун қўлай шароитлар яратиш, уларнинг фарзанд тарбияси ва оиланинг маънавий муҳитдаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Жиззах: O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» «Хотин-қизларни ижтимоий-хуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик асосларида ўргатиш» номли лойиҳа тақдимотини ўтказди.

Тадбирда мазкур лойиҳа доирасида Жиззах шаҳри, шунингдек, Арнасой, Жиззах, Фаллаорол, Дўстлик, Зарбод, Зафаробод ва Пахтакор туманларидан танлаб олинган 400 нафар хотин-қиз сартарошлик, тикувчилик ва пазандалик каби йўналишлар бўйича бепул ўқитилиши ҳамда жами 1600 нафар Жиззахлик аёллар тадбиркорликка йўналтирилиши режалаштирилаётгани таъкидланди.

Савол беринг, жавоб берамиз!

— Савдо шохобчасидан колбаса маҳсулотини сотиб олган эдим. Бирок уяга келиб, унинг ишлаб чиқарилган санасига қарасам, колбаса қобиғига стикер шаклида ёпиштирилган қоғоз тагида яна бошқа сана кўрсатилган экан. Тезда дўконга қайтиб, бу ҳақда сотувчига айтганимда улар маҳсулотни қайтариб олмасликларини айтишди. Айтинчи шу тўғрими?
А.Раҳмонова (Тошкент шаҳри).

— Истеъмолчи, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотини харид қилишдан аввал унинг ишлаб чиқарилган санаси, истеъмол муддатига эътиборни қаратиши лозим. Ўзбекистон Республикаси «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига кўра, маҳсулот ёриғида унинг ишлаб чиқарилган санаси ва истеъмол муддати кўрсатилгани шарт. Бугунги кунда замонавий технологик жиҳозлар ўрнатилган корхоналарда бу жарен автоматик тарзда, ўчмайдиған, қалбақлаштириб бўлмайдиган қилиб амалга оширилмоқда. Юқоридаги ҳолат бўйича «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Федерацияси»га мурожаат қилиб, маҳсулотни сифатлигига алмаштириб олиш ёки унга сарф қилинган пулни қайтариб олишга ҳақлисиз.

Саволга «Ўзстандарт» агентлиги эксперт-аудитори Содирхон Усмонов жавоб берди.

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



КАШҚАДАРЭ

О'ZLIDEP ФУЗОР ТУМАН КЕНГАШИДА «ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА О'ZLIDEPНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН НАВБАТДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА О'ZLIDEPНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛИБ, БПТ АЪЗОЛАРИНИНГ БУ БОРАДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.



НАМАНГАН

О'ZLIDEP НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ «СИЁСИЙ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ» ТОМОНИДАН «ПАРТИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР» МАВЗУИДА СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

2013 ЙИЛ 16 МАЙ, ПАЙШАНБА, 19 (495)-СОН

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru



ОИЛАВИЙ БИЗНЕС — ФАРОВОНЛИГИМИЗ АСОСИ

О'zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан Ангрэн шаҳридаги «Нуробод шифоконаси»да «Оилавий бизнесни ривожлантириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Асосан тиббиёт муассасасидаги бошланғич партия ташкилоти аъзолари фаоллигида ўтган тадбирда тadbиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, оилавий корхоналарнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш О'zLiDeP олдидagi асосий вазибалардан экани алоҳида таъкидланди. Зеро, тadbиркорлик муҳитини барқарорлаштириш партиянинг Сайловолди дастуридаги мақсад ва вазибаларини амалга ошириш гаровидир. Шу боис партия ўз электорати учун имконият ва имтиёзлар яратиш борасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар, худудлардаги бошланғич ташкилотлари билан ҳамкорликда турли тadbирлар, давра суҳбатлари ташкил этапти. — Бу эса жойларда кичик бизнес ва фермер хўжаликлари олдидagi долзарб масалаларни ўрганиш, назорат-таҳлил фаолиятини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, — дейди Тошкент вилояти кенгашининг БПТлар билан ишлаш бўйича консультанти Дияра Ботмаева. — Айниқсан, худудлардаги оқчимни куттаган масалаларни ҳал этишда БПТларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, уларнинг ташаббускорлиги ва фаолиятини таъминлашда бунгидек тadbирларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Давра суҳбатида ёш тadbиркорлар орасида тadbиркорлик кўникмаларини шакллантириш, иш юритишни ўргатиш, бунда малакали мутахассисларни жалб этиш юзасидан БПТ раисларининг фикр-мулоҳазалари ўртага ташланди.

ЛОЙИҲАЛАРИМИЗ ЁШЛАРГА. ТАДБИРКОРЛАРГА ВА ҲАР БИР ОИЛАГА

Анджонда шу мавзуда партиявий лойиҳалар тақдими ўтказилди. О'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тadbирда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг жадал ривожланишига тўқинлик қилаётган, тadbиркорлик фаолиятини эркинлигини чеklangса сабаб бўлаётган бир қатор муаммоларни тизимли ўрганиш, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ амалий тақлифларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди. — «Обод турмуш йили»да О'zLiDeP томонидан янги ташаббуслар ўртага ташланди, амалга оширилаётган лойиҳалар янги мазмун билан бойитилаётгани сафаримизнинг янада кенгайишига олиб келмоқда, — деди О'zLiDeP Анджон вилоят кенгаши Бизнес тузилмалар ва фермерлар билан ишлаш бўлими раҳбари Туробжон Хушвақтов. — Жумладан, «Оилавий тadbиркорликдан — мустаҳкам оилга», «Мулкдор оила» лойиҳаларининг ҳаётга татбиқ этилиши оилавий бизнес билан шуғулланаётган тadbиркорлар сафини янада кенгайтириш, уларга имтиёзли кредитлар бериш механизмидан тақомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Форумда фаол иштирок этган хотин-қизлар, ёшлар, тadbиркорлар ва фермерлар партиянинг кадрлар захирасига олинди. Наргиза ҚАҲҚОРОВА тайёрлади.

Дастур ижроси учун масъулмиз

«ФЕРУЗ-ХОРАЗМ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИДАГИ БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ ЕТАКЧИСИ ДУРДОНА ҚУРБОННИЁЗОВАНИНГ ФИКРИЧА, ТАШАББУС, ЧИНАКАМ ТАДБИРКОРЛИК, ЮКСАК ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ВА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК ОРҚАЛИГИНА БУТУНГЎЙ ҲАЁТИМИЗНИ ЯНАДА ОБОД ЭТИШ МУМКИН

Янгибой ҚУЧҚОРОВ, «XXI asr»



Мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини модернизациялаш ва демократлаштириш билан боғлиқ кенг қамровли ислоҳотлар даврида бундай муҳим мезонлар янада яққолроқ кўзга ташланмоқда. Бутун Хоразмда амалга оширилаётган ўсиш, ўзгаришлар мисолида ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Томчида куёш акс этганидек, воҳа саноатидаги мисли қўрилмаган ўзгаришлар Урганч шаҳридаги «Феруз-Хоразм» масъулияти чекланган жамиятининг кўп қиррали фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатаёпти.

Жамият фаолиятининг муҳим бир қирраси шундан иборатки, жамоа ўндан ортиқ йўналишда истеъмолад бозорига замонавий кийим-кечақлар чиқармоқда. Ўтган давр мобайнида корхонани модернизаациялаш, технологик жиҳатдан янгиланиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда турини ошириш борасида муҳим қаламлар қўйилди.

«Феруз-Хоразм» масъулияти чекланган жамиятидаги юксалишининг яна бир омил Узбекистон Либерал-демократик партияси аъзоларининг самарали фаолияти билан боғлиқ. Бу ерда кўпчиликка ўрнатилган БПТ аввало, жамият аъзолари орасида партия мавқеини мустаҳкамлаётган бўлса, иккинчидан, аъзолар ва тарафдорлар сонини кўпайтирмоқда. Жамоада энг муҳим тadbирлар БПТ ташаббуси орқали амалга оширилади. Ҳар бир йилида

жойлардаги кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда оилавий корхоналар сонини кўпайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилади. Фаоллар тақлифлари асосида О'zLiDeP Дастурида белгиланган гоиларга асосланган ҳолда тadbиркорларга имтиёзли молиявий кўмак ажратилиб, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш орқали бандлик муаммосини ҳал қилишга оид масалалар жамлиниб, туман кенгашига тақдим этилади. Бундан ташқари БПТ жамоада ишлаётган ҳар бир партия аъзосининг қалбига йўл топиш, унинг меҳнат фаолияти, бунга вақтинчи мазмунли ўтказиш ҳақида ҳам қайғулади.

— Жамоамиздаги 58 нафар партия аъзосининг тизимли равишда иш олиб боришини йўлга қўйганимиз, — дейди БПТ раиси Дурдона Қурбонниёзова. — Но-

камтарликка йўймангу, ҳозирча куйи бунга эътибор қаратиш лозим бўлган барча жиҳатларни қамраб олишга ҳаракат қилаётиб. Шу боис ҳам кейинги икки йилда «Энг намунали БПТ», «Ҳомийлик ишларида фаол БПТ», «Аёллар қаноти» йўналишида фаол БПТ», «Ёшлар қаноти» йўналишида фаол БПТ» таъинларидан совини ўринларини эгаллади. Сиёсий тартибда ишларига ҳам алоҳида эътибор бераямиз. Корхонада БПТ учун алоҳида хона ажратилган. Бу ерда сиёсий адабиётлар, турли хилдаги тарғибот материаллари маслақлошлар фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг билим ва таққурини бойитишда кўл келмоқда. Аммо бундай натижаларга осонликча эришилмагани ҳам айтиш керак. Аъзоларимиз сонини кўплиги БПТ фаолиятини ривожлантириш ва муайян натижаларга эришиш имконини бе-

раёпти. Шу ўринда ҳали вилояти-мизда номигагина иш олиб бораётган куйи бунлар ҳам борлигини, улар шаҳар, туман ва вилоят партия ташкилотлари кўмагига, амалий ёрдамга муҳтож эканини ҳам айтиш керак. Бунда турли тарқатма материаллар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси фаолиятига доир ахборотлар мунтазам етказиб берилса, БПТлар фаолияти янада жонланган бўларди.

Ўз навбатида, партиянинг дастурий мақсад ва вазибалари «Обод турмуш йили» Давлат дастури билан ҳар жиҳатдан ҳамроҳ эканлигини таъкидлаш жоиз. Бошқача айтганда, жамоа ҳар бир аъзосининг мамлакат манфаатлари билан, БПТ фаолиятининг эса О'zLiDeP сая-ҳаракатлари билан уйғунлиги фаровон ҳаётимизнинг янада кўркам бўлишига хизмат қилаёпти.



САМАРҚАНД. О'zLiDeP Пастдаргом туман кенгаши педагогика ва спорт коллежида партиявий лойиҳалар тақдими ўтказди.



— Бугунги тadbиримиз партия дастури ва Сайловолди платформаси, шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазибаларни амалга ошириш, партиянинг мазкур йўналишдаги ишлари ҳамда дастури билан аҳолини янада кенгрок таништириш мақсадида ўтказилмоқда, — деди О'zLiDeP туман кенгаши раиси Н.Садидова. — Айтиш кераки, партиявий лойиҳаларимиз ёшлар ва хотин-қизлар фаолиги ҳамда иқтисодий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни бизнесга йўналтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. О'zLiDePнинг «Соғлом оила — мустаҳкам оила», «Оилавий тadbиркорликдан — мустаҳкам оилга», «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...», «Хавфсиз интернет», «Ёш олимлар ва тадқиқотчилар-2013» каби лойиҳалари мазмун-моҳиятига бағишланган тadbирда, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда соҳага доир қонунчиликни тақомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маърузалар тингланди.

СУРХОНДАРЭ. Бойсун туман кенгашидаги «Аёллар қаноти» тумандаги кишлоқ хўжалиги ва транспорт касб-хунар коллежида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан байрам тadbир ташкил этди.



— Айтиш жоизки, мамлакатимизда демократик ўзгаришларнинг бosh мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи инсондир, — дейди О'zLiDeP туман кенгаши раиси Н.Абдуллаев. — Партияимиз дастурида белгиланганидек, давлатнинг инсон омилига қаратилган ислоҳотларининг барча босқичларида эришилган натижаларни аҳоли фаровонлигининг ўсиши билан баҳолаш мақсада мувофиқдир. Истиқлол туйғули ўзбек халқининг шаъни, қадр-қиммати, гурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятлари қайта тикланди. Мустабид тузум даврида қатагон қилинган юзлаб юртдошларимиз, Ватанимизнинг фидойи фарзандлари хотираси абадийлаштирилиб, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бундай савабли ва хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Тadbирда партиянинг вилоят ва туманлардаги масъул ходимлари, маҳаллий депутатлик гуруҳи аъзолари, БПТ раислари, маҳалла фаоллари ва тadbиркорлар иштирок этди.

Ҳаётини масалаларга бирламчи эътибор

— ДЕЙДИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ, О'ZLIDEP АЪЗОСИ МИРРАҲИМ АДИЛОВ

Зиёдулла МҶМИНОВ, «XXI asr»

— Маълумки, депутатлик сўрови орғиди инсон, унинг ҳаётини манфаатлари ётади. Биз ана шуларни назарда тутиб, О'zLiDeP Паркент туман кенгаши билан ҳамкорликда сайловчиларнинг мунтазам қабулини йўлга қўйдик. Бу жараёнда ёш сайловчиларнинг сиёсий фаолиги ва ташаббускорлиги тобора ошиб бораётганини яққол кўзга ташланаёпти. Улар учун кўтарилган масаланинг катта-кичиги йўқ, албатта. Шу боис бутун масъулиятни зиммаларига олиб, жамият тараққиёти, эл фаровонлиги йўлида сиёсий фаолиятини таъминлашда кўп ҳисса қилинмоқда. Ҳозир туманда 2 мингга яқин кичик ва хусусий бизнес субъектлари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксариятига ҳам 25-35 ёшлиги йигит-қизлар, янама тўғирроғи, олий ўқув юрти ёки касб-хунар коллежларини тугатган, хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган ёшлар етакчилик қилишмоқда. Улар сая-ҳаракати билан жойларда турли ижтимоий масалалар ўз ижобатини топиб, оилавий тadbиркорлик ва деҳқон хўжаликлари янада ривожланаёпти. Саноат корхоналарида замонавий технологиялар асосида жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани ва улар хорижга экспорт қилинаётгани ҳам шундан дало-

лат беради. Энг муҳими, ёш тadbиркорларимиз сайлов округларида ўтказилаётган учрашувларда ҳам фаол қатнашиб, айрим қонуналарга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ўз фикрларини билдириб, муҳим тақлифларни ўртага ташланаёпти. Қонуналарнинг жойлардаги ижроси юзасидан депутатлик назоратини қатъий йўлга қўйиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Масалан, тумандаги «Бўстон», «Жудурук» кишлоқларида яшовчи Ҳ.Раҳимов, Б.Эсерапов, Ҳ.Бекмуродов Республикасининг «Истеъмолад ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонуни талабларидан келиб чиқиб, кишлоқда табиий газ, тоза ичимлик сув таъминотини яхшилаш тўғрисида мурожаат қилишган эди. Биз аини масала юзасидан туман ҳокимлиги депутатлик сўрови жўнатдик. Ҳозирда ушбу сўров кўриб чиқилмоқда. «Навбахор» кўргони, «Чотқол», «Самсарак», «Ертепа» кишлоқлари аҳолиси билан ўтказилган учрашувлар давомида эса йўлларни таъмирлаш, ер ости сизот сувларини қочирини, кишлоқларни газлаштириш бўйича бошланган ишлар охирига етмай қолгани ҳақида сўз юритилган эди. Юқоридаги мурожаатлар халқ депутатлари туман кенгашида кўриб чиқилар, мутасадди тақлифлар, ҳомийлар ва тadbиркорларни жалб этган ҳолда «Навбахор» кўргонида 3 километр масофадаги йўл таъмирланди. «Чотқол» кишлоқда ер ости сизот сувларини қочирини мақ-

садида салкам 1 км. масофали зовур қазилди. «Самсарак» кишлоқи худудда ўрта босимли 500 метр қувур тортилиб, 100 га яқин аҳоли хонадонини газлаштирилди. Хуллас, жойларда турмуш фаровонлиги билан боғлиқ масалаларга катта эътибор ва ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлимоқда. — Айтиш кераки, туманда ёшлар ўртасида бандлик муаммосини ҳал этиш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда? — Дарҳақиқат, ёшларни ҳаётга тўғри йўналтириш, улар ўртасида бандлик даражасини ошириш аини кундаги долзарб масалалардан биридир. Шунини инобатга олиб, йигит-қизларни ўзлари танлаган соҳалар бўйича ишга жойлаштиришга ёрдам бераёلمиз. Бунда хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирокда ўтказилаётган турли тadbир ва учрашувларнинг аҳамияти катта бўлаётди. Таҳдидлар ҳар йили туманда миңдан ортиқ ёшлар олий ўқув юртлари ҳамда касб-хунар коллежларини тугатаётганини кўрсатмоқда. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида нафақат туман маркази, балки чекка кишлоқларда ҳам бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Натижада ана шу худудларда истиқомат қилаётган ёшлар эгалланган касб-корлари бўйича ишга жойлашмоқдалар. Олиб борилаётган амалий ишлар натижасида биргина ўтган

йили 200 дан зиёд бун иш ўрни яратилди. Бу борада партияимиз электоратини саналган тadbиркор ва фермерларнинг амалий ёрдами алоҳида таъкидлаш мумкин. — Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати сифатида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ошириш учун нималарга кўпроқ аҳамият қаратиш лозим, деб ҳисоблайсиз? — Аввало, шунини айтиш кераки, О'zLiDeP мамлакат сиёсий майдонида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган партиялардан биридир. Бу, шубҳасиз, фаолларимиз зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бошланғич ташкилотлар фаолиятининг мустаҳкамлиги эса бу жараёнда алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам барча бўйиндаги партия фаоллари, депутатлик гуруҳларининг БПТлар билан алоқаси кучайтириляпти. Ҳозирда туманда 26 та Бошланғич партия ташкилотлари бўлиб, улар ўз атрофига 483 нафар аъзони бирлаштирган. Паркент туман кенгаши сессиялари кун тартибига киритилаётган турли ҳаётини масалалар ҳам аввал БПТларда муҳокама этилиб, кейин депутатлик гуруҳида кўриб чиқилаёпти. Бу, шубҳасиз, фаолиятимизда яхши самара бермоқда. Куйи бунлар ишини кучайтириш масаласига келсак, БПТ етакчиларининг билими ва сиёсий фаолигини ошириш керак. Бунда, шубҳасиз, сиёсий таълим марказлари томонидан ташкил этилаётган ўқувларни мунтазам йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

БЕШАРИҚДА ЎТГАНЛАР ХОТИРАСИ БДГА ОЛИНДИ

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан О'zLiDeP Бешарик туман кенгаши ташаббуси билан «Халқлар Дўстлиги» маҳалла фуқаролар йиғинидаги БПТда партия фаоли Одиложон Дадажонов хотирасига бағишлаб бокс бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида турнир бўлиб ўтди. Унда тумандаги барча спорт мактабларининг 1997-2000 йилларда тугилган тарбияланувчилари иштирок этди. Турнирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Б.Абдуллаева, халқ депутатлари Фаргона вилоят кенгаши депутatlари Р.Маждидов, О.Алиматов, халқ депутатлари Бешарик туман кенгаши депутати С.Нурматова, «Камолот» ЁИХ Бешарик туман кенгаши ҳамда марҳум Одиложон Дадажонов оила аъзолари иштирок этдилар. Турнир сўнггида голиблар ҳомийларнинг эсдалик совгалари билан тақдирланди

ЖАРАЁН

Реклама ўрнида

«Асака» банк кредитлари тадбиркорларга мадад бўлмоқда

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЙИРИК МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДАН БИРИ — «АСАКА» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ЖАМИ АКТИВЛАРИ 2013 ЙИЛ 1 АПРЕЛЬ ҲОЛАТИГА ЎТГАН ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН 54,19 МЛРД. СЎМГА ЎСИБ, 3 852,7 МЛРД. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТДИ



Жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишга қаратилган «Инқирозга қарши дастур» ижросини таъминлаш, шу асосда узоқ мулатли ўсиш ва ривожланишга эришиш борасида олиб борилган тадбирлар туфайли ана шундай натижаларга эришилмоқда. Бунда, албатта, инвестицион жозибалорлиқни ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорлиқни, асосий кўрсаткичларнинг илдам ўсишини таъминлаш, уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказишга интилиш орқали рақобатбардош ва экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Банк жамоаси иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, ўз олдига мулкчилик шакли ва фаолият кўламиндан қатъий назар, барча турдаги ҳужалик юритувчи субъектлар, шунингдек, аҳолининг турли ижтимоий қатламларида тақлиф этилаётган банк хизматлари ва маҳсулотлари турларини кенгайтириш вазифасини қўйган. Шу мақсадда ҳар бир мижоз талабидан келиб чиқиб, кўрсатилаётган хизматлар сифати оширилмоқда.

Бунга банк фаолиятига замонавий технологияларни кенг жорий этиш, мижозларга тезкор хизматлар кўрсатиш орқали эришилаётган. Натижада банкнинг умумий капитал миқдори эса 107,75 млрд. сўмга етди.

Мақсадли йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳам мижозлар сонини ортиришга хизмат қилаётган. Хусусан, ўтган давр мобайнида банк мижозлари сони 98,1 минг нафарга ошди ва 1 194,5 минг нафарга етди.

Шу ўринда жорий йилнинг апрель ойи ҳолатига банк кредит қўйилмалари ва лизинг хизматлари ҳажми 1 869,4 млрд. сўмни ташкил қилганини таъкидлаш мумкин. Кредит портфелидаги узоқ мулатли кредитлар ҳажми 1 564,8 млрд. сўмдан иборат бўлиб, унинг 1 345,6 млрд. сўми инвестицион сармоялардир.

Банк томонидан ўтган чорак мобайнида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини ривожлантириш учун 202,1 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилгани натижасида 7,7 мингта яқин янги иш ўрни яратилди. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожланишига кенг имкониятлар яратиш «Асака» банк фао-



лиятининг устувор йўналишларидан бири эканини кўрсатмоқда. Бунга 1 чорак лавомилда мазкур соҳага 172,9 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилгани ҳам қўриш мумкин. Банк мутахассислари йил якунига қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жами 684 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилиши режалаштирилганини таъкидламоқдалар.

«Асака» банкнинг мижозларга кўрсатаётган ана шундай хизматлари, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъек-

тларини қўллаб-қувватлашга доир ишлари банкнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳалари, шу жумладан, оилавий бизнесга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Асака» банк жамоаси «Обод турмуш йили»да мижозларга юқори си-

фатли банк хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳалари, шу жумладан, оилавий бизнесга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Банк ахборот хизмати.

Янгиликлар

АЁЛЛАРГА ҲАР ҚАНЧА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛСА ОЗ

«Нуроний» жамғармасининг Марғилон шаҳар бўлими атрофига ушган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, нафақадорлар сафида фахрий аёллар ҳам бор. Турли байрамлар муносабати билан жамғарма томонидан уларга хурмат-эҳтиром кўрсатиш яхши анъанага айланган. Яқинда эл-юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилган, айна пайтда қариллик гаштини суратган 28 нафар онахон жамғарма томонидан уюштирилган байрам тадбири иштирокчисига айланди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда мустақиллик йиллари эришилган ютуқлар, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартираётган бунёдкорлик ишлари ҳақида гапирдилар. Шундан сўнг «Нуроний» жамғармаса шаҳар бўлими раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳабибулло Низомитдинов барча фахрий онахонларга эсдалик совғаларини топширди.

— «Обод турмуш йили»да биз, аёлларга кўрсатилган бундай хурмат-эътибордан чексиз миннатдоримиз, — деди учрашувда сўз олган халқ таълими фахрийси Нина Рязанова.

Муҳаммадхон МАХМУДОВ.

BePro — «ПРОФЕССИОНАЛ БЎЛ» ДЕГАНИ

Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ташаббуси билан Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида ўтган йиллар мобайнида ўқув марказида 7000 нафардан зиёд ахборот технологиялари соҳасининг етуқ мутахассислари тайёрланган, шунингдек, мингдан зиёд ўқувчи Prometric ва Pearson VUE халқаро сертификатларини қўлга киритгани таъкидланди. Тадбирда, шунингдек, компания томонидан 9 йил мобайнида 4 минг нафарга яқин ёш дастурчи бепул ўқитилгани, ўтган йили ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қиймати 2,5 миллион сўмгача бўлган грантлар эълон қилинган ҳамда марказ ушбу даргоҳни тамомлаган ҳар бир дастурчинини иш билан таъминлашга яқиндан қўмақ бераётгани қайд этилди.

Анжуман якунида «Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази» эндиликда «BePro (be - бўл, pro - professional) — мутахассис Дастурлар маркази» деб юритилиши ва жорий йилда ёш дастурчиларни тайёрлаш бўйича BeProнинг ҳудудий ўқув марказлари ташкил этилиши режалаштирилаётгани айтиб ўтилди.

Равшан ХАЙДАРОВ тайёрлади.



Бош мезон — сифат кўрсаткичлари

ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ҲАР ҚАНДАЙ МАҲСУЛОТ ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА АТРОФ-МУҲИТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИР ЎТКАЗМАСЛИГИ БАРОБАРИДА ДАВЛАТ СТАНДАРТИ МЕЪЁРИ ТАЛАБЛАРИГА ҲАМ МОС БЎЛИШИ БУГУНГИ КУНДАГИ ЭНГ МУҲИМ ТАЛАБЛАРДАН БИРИДИР

Илёс ХЎЖАЕВ,
Кўкон синов ва сертификатлаштириш маркази Давлат корхонаси бўлим бошлиғи

Маълумки, бозор шароитида сифат тушунчаси айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айнан яхши маҳсулотга инсоннинг таъминлашга хизмат қилади.

Бу борда «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудий марказлари, хусусан, Кўкон синов ва сертификатлаштириш маркази Давлат корхонаси ҳам «Маҳсулотларини ва хизматларини сертификатлаштириш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Вазирилар Маҳкамасининг «Маҳсулотларини сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва «Сертификатлаштириш тартиботини ва сифат менеджменти тизимларини жорий этишни таъминлаш тўғрисида» ва «Сертификатлаштириш тартиботини ва сифат менеджменти тизимларини жорий этишни таъминлаш тўғрисида»ги қарорлари ижроси юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқда.

Сертификатлаштириш миллий тизимида белгиланган тартибга асосан жорий йилнинг биринчи чорагида марказ томонидан 306 та мувофиқлик сертификати берилди. Шундан узлуксиз ишлаб чиқарилаётган маҳсулот-

ларни сертификатлаштириш натижасида корхона ва тадбиркорларга 16 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди. Тақдим этилган маҳсулотларнинг синов натижаларига қўра, биронта маҳсулот яроқсиз деб топилмади. Чунки сертификатлаштирилган маҳсулотлар бўйича инспекцион назорат ўтказиш изчил йўлга қўйилгани маҳсулотларнинг янада сифатли, стандарт талаблари асосида тайёрланишига хизмат қилаётган.

Мижозларга тез ва қулай хизмат кўрсатиш мақсадида эса марказ синов базаси модернизация қилинди. Мажбур лабораториялардаги ресурслар тежамкорлигини таъминлаш мақсадида ўлчов воситаларидан воз кечилиб, замонавийларга алмаштирилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган стандартлар, техникавий шартлар, меъёрий ҳужжатлар тўпламининг библиографик маълумотлари олингани натижасида марказнинг меъёрий ҳужжатлар фонди жами 1400 тани танкич этиди.

Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозоридан ўрин эгаллаши учун ҳукуматимиз томонидан муҳим ишлар олиб борилмоқда. Вазирилар Маҳкамасининг «Республика корхоналарида ҳаққаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори туфайли вилоятда сифатни бошқариш тизимларини босқичма-босқич

жорий этиш учун махсус режа ишлаб чиқилди. Бу эса, ўз навбатида, қисқа вақт ичида корхона ва тадбиркорларда тезлик сифатининг муҳим йўналишлари қаторига кирди. Бу борда агентлик томонидан бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилиб, амалга оширилди. Бундан ташқари чикарувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорларга қўлайлик ва имкониятлар яратишга алоҳида аҳамият қаратилаётган.

Муҳтасар қилиб айтганда, Вазирилар Маҳкамасининг тегишли қарорлари соҳа фаолиятини бугунги кун талаблари асосида ташкил этишга хизмат қилмоқда. Жойлардаги ҳудудий марказлар, бошқармалар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик фаолияти субъектларига маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш, ички бозорга сифатли маҳсулотлар кириб келишининг олдини олишга эришмоқдалар. Фарона вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нафақат ички бозорда, балки жаҳон бозоридан ҳам ўз ўрнини топаётгани бунинг амалий натижасидир.

Реклама

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ВАЗИРЛИК, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ШАРҚ ИМП ЭКС»

туристик компанияси Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива шаҳарлари бўйлаб барча қўлайликлар асосида саёҳатлар уюштиришни маълум қилади.

НАРХЛАР КЕЛИШИЛГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Маълумот учун телефонлар:
273-02-95, (+99895) 507-04-60
Хизматлар лицензияланган!



«COLLEGIAL PROTECT»

Ўз хизматини тақлиф этади

Хурматли тадбиркор ва фермерлар!
Тошкент шаҳридаги «COLLEGIAL PROTECT» адвокатлик фирмаси мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйича келишилган нархларда ўз хизматини тақлиф этади.
Яъни фирма томонидан тадбиркор ва фермерларга зарур юридик ёрдам кўрсатилиши таъминланади. Бу эса соҳа равнақи ва қонунийлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мурожаат учун телефонлар:
8(371) 269-00-40,
(+99890) 982-41-68, (+99893) 502-62-99.
Хизматлар лицензияланган!

Реклама

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУҶЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҲОҶЛАРИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокчини рағбатлантириш орқали улар учун янада қўлай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси хузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа ҳоҶлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тиҷорат банклари томонидан молиялаштирилишига қўмақлашчилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Хўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция тақлифи (намуна бўйича);
Инвестиция тақлифи паспорти (намуна бўйича).

Батафсил маълумот учун:
Тел.: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-sayt: www.fipd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Файласуфлардан бири кул кул эмас, кулликка тушишини англамаган кул, деган экан. Шу маънода ҳам одам савдоси қурбонларини адашганлар ёки кулликни англамаганлар, дея изоҳласак, хато бўлмас. Аини пайтда бу савдо наркотик ва қурол-ярроғ савдосидан ҳам даромадлироқ трансмиллий жиноятга айлангани бежиз таъкидланмаяпти. Айрим манбаларда дунёда ҳар йили 3 млн. га яқин киши алданиб ёки адашиб куллик тузоғига илинаётгани, кулликнинг замонавий кўриниши Ер юзиде мисли қўрилмаган даражада кенг тус олгани айтилмоқда. Энг ёмони эса «одамфурушлар «куллик»ка жисмоний ва моддий тажовуз билан эмас, балки маънавий-руҳий таъсир ўтказиш орқали эришмоқдалар.



ОДАМ САВДОСИ ҚУРБОНЛАРИ 27 МИЛЛИОНГА ЕТДИ. ТАҲЛИЛЧИЛАР АНА ШУ «БИЗНЕС» ЙИЛИГА 20 МИЛЛИАРД АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИДА ФОЙДА КЕЛТИРАЁТГАНИ, 127 ТА МАМЛАКАТДА ОДАМ САВДОСИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИНИ АФСУС БИЛАН ҚАЙД ЭТМОҚДАЛАР

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Бу, айниқса, фоҳишабозлик масаласида яққолроқ кўзга ташланмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, жиноятчилар жабрланувчи билан расман никоҳ шартномасига қирадилар. Яъни, узун арқон билан ўраб олинган ўлжага ҳам жисмонан, ҳам руҳан азоб бериб, уни молиявий манбага айлантириши имконияти яратилади.

АҚШ Давлат департаментининг одам савдосига бағишланган маърузасида қайд этилишича, дунёда ушбу жиноят қурбонига айланган кишилар сони 27 миллионга етган. Бу эса жиноят қўлами йил сайин кўпайиб бораётганини англатади, албатта. Ушбу жиноят болаларни ҳам ўз домига тортаётгани эса энг даҳшатли ҳодисадир. Халқаро миграция ташкилотини маълумотларига кўра, шу вақтгача 6 млн. бола ўғирланиб, улардан 2 млн. га яқини қурбон бўлган, қолганлари эса оғир меҳнатга жалб этилган. Асосан норасидаларнинг соғлом тана қисмлари пулланса, қўлида қурол ушлашга қодир бўлган 300 мингга яқин турли минтақалардаги қайноқ нуқталарда жанг қилишга мажбур этилмоқда.



ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ ТАШКИЛОТИ МАЪЛУМОТЛАРИГА КўРА, ШУ ВАҚТГАЧА 6 МЛН. БОЛА Ўғирланиб, улардан 2 млн. га яқини қурбон бўлган, қолганлари эса оғир меҳнатга жалб этилган. Асосан норасидаларнинг соғлом тана қисмлари пулланса, қўлида қурол ушлашга қодир бўлган 300 мингга яқин турли минтақалардаги қайноқ нуқталарда жанг қилишга мажбур этилмоқда.

садларда эксплуатация қилиш тобора авж олаётганини қайд этиш жоиз. Таҳлилчиларнинг фикрича, жабрланувчиларнинг ёши ўрта ҳисобда 18-24 ни ташкил этади. Чунки «кул» бозорларида айнан шу ёшдагиларга талаб юқори. БМТнинг навбатдаги ҳисоботида қайд этилишича, Европа ва Осиёнинг баъзи бир мамлакатларида одам савдоси қурбонларининг катта қисмини айнан аёллар ташкил этмоқда. Шунингдек, мазкур минтақаларда жиноят объектига айланганларнинг 16 фоизи болалардир. Кейинги йилларда улар сони янада кўпайган.

Ҳақиқатан ҳам, чегара танламайдиган ушбу жиноят кейинги ўн йилликда инсоният тараққиётига очикдан-очик тўсиқ бўлаётгани, жамият ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдираётгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Ҳатто таҳлилчилар ер юзидеги халқаро уюшган

террорчилик ташкилотларининг одам савдоси гуруҳлари билан ўзаро алоқада эканликлари ҳам эътироф этилмоқдалар. Албатта, террорчилар одам олдиргани билан тўғридан-тўғри шуғулланмайдилар. Бироқ ана шу бизнесдан ўз мақсадлари йўлида ҳақиқий ишбилармонлардек фойдаланишмоқда. Яъни, улар одам савдоси билан шуғулланаётган этник гуруҳлар устидан қатъий назорат ўрнатишган. Айнан ана шу гуруҳлардаги қуллар орқали ўзларининг қўлида қайноқ нуқталарда террорчиларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этиляпти. Бундан икки йил муқаддам италиялик мутахассислар ҳар йили Европада 500 минг киши олиб келинаётганини аниқлашган эди. Уларнинг таъкидлашича, қулларни чегарадан ўтказиш ва бундан мўмай даромад топиш террорчи гуруҳлар томонидан

бекаму-кўст амалга оширилмоқда. Биргина мана шу жараёнда террорчилар 2 миллиард доллар миқдорда даромад олиб келишган. Бугун Европа Иттифоқи мамлакатларида 6 миллионга яқин муҳожир истиқомат қилаётгани эса бунга мисол бўлиши мумкин. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари — АҚШ чегарасини эса ҳар йили 700 мингга яқин муҳожир ноқонуний тарзда кесиб ўтаётган. Европа кенгаши мутахассислари олиб борган тадқиқотларда ҳам кейинги ўн йилда террорчи ташкилотлар томонидан аёллар ва ёшларни муайян давлат чегараларидан ноқонуний олиб ўтиш тўрт баробарга ортгани қайд этиляпти. Умуман олганда, одам савдогарлари билан террорчилар ўртасидаги алоқалар вақт ўтгани сайин чуқурлашиб, уларнинг қабиҳ ниятлари уйғунлашиб бораёпти. Аксар ҳолларда эса одам олдиргани билан шуғулланаётган этник гуруҳлар террорчиларнинг бир мамлакатдан бошқасига ўтиб олишлари учун «яшил чироқ» вазифасини ўтамоқдалар.

БМТ маълумотларида, Непал, Судан, Бирлашган Араб Амириклари, Ҳиндистон, Габон, Гаити, Мьянма каби давлатларда бу борадаги аҳвол аянчи экани тилга олинмоқда. Ана шу ҳудудларда коррупция ва таъмағирлик иллатларининг авж олиши эса одам савдосининг янада ривожланишига замин яратаётган. Айниқса, айрим мамлакатларда қарз эвазига одамларни кул қилиб бериш каби ибтидоий муносабатлар ҳали-ҳануз давом этаётгани аччиқ ҳақиқатдир. Бу ҳудудларда мазкур муаммага қарши кураш ҳозирча ҳеч қандай наф келтирмаётган. Сўнги маълумотларга қараганда, дунёнинг 127 мамлакатига одам савдоси амалга оширилмоқда. Европа Иттифонининг уюшган жиноятчилик тўғрисидаги маълумотида эса одам савдосидан йилига 20 миллиард АҚШ доллари миқдорда фойда олинаётгани, соҳадан келаётган ноқонуний даромад жиноятчиларнинг иқтисодий манфаатига хизмат қилаётгани айтиляпти. Шу ўринда нопок йўллар билан бойлик орттириш илмини турли мамлакатлардаги жиноятчи унсурларнинг бирилашиб, халқаро жиноий ҳам-жамиятларнинг янги оқимлари пайдо бўлишига ҳам олиб келаётганини аниқлаш қийин эмас. Мутахассислар сўнги йилларда Финляндия, Дания, Янги Зеландия, Исландия, Сингапур, Швеция, Канада, Нидерландия, Люксембург, Норвегия, Австралия, Швейцария, Гонконг каби давлатларда юқоридегидек жиноятларнинг озу бўлса-да олди олингани тилга олинмоқда.

Айрим мутахассисларнинг қайд этишларича, бу жиноят турининг кенгайишига амалдаги халқаро ҳуқуқий механизмлар самардорлигининг етарли эмаслиги сабаб бўляпти. Қолаверса, одам савдосига қарши кураш соҳасидаги асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар барча давлатлар, айниқса, одам савдосига кўпроқ жалб этилган мамлакатлар томонидан ратификация қилинмагани ҳам таъкидланмоқда. Улар ижроси юзасидан халқаро миллий назорат механизмлари ҳам яхши ишламаётган. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда бутун дунёда трансмиллий жиноятга қарши халқаро миқёсдаги ҳужжатлар, инсонларни кулликка тушиб қолмасликка даъват қилувчи широрлар тобора кучлироқ янграмоқда. Аммо, шунга қарамай, баъзи давлатлар қонунчилигида «одам савдоси» ту-

шунчасига етарлича эътибор қаратилмагани кишини таажжубга солади. Бошқа бир мамлакатларда эса халқаро конвенциялар ратификация қилинишига қарамай, улар қозғалди қолиб кетаётган. Оқибатда бундай шартномалар қўйилган даражада самара бермаяпти. Бу эса жиноий гуруҳ аъзоларининг жазодан қўтилиб қолишларига йўл очаяпти. Шу нуқтаи назардан, одам савдосига қарши кураш олиб бораётган ташкилотлар учун халқаро ҳуқуқий

ҳужжатлар тизimini ўрганиш, юзага келаётган ташкилий ҳуқуқий муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга кўмаклашувчи илмий асосланган таклиф ва тавсияларни етказиш катта аҳамиятга эга эканини таъкидлаш жоиз. Қолаверса, ушбу иллатнинг олдини олишга фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини бойитиш орқали ҳам эришиш мумкинлигини унутмаслик лозим.

Зеро, БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги конвенциясини тўлдирувчи «Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва унга чек қўйиш ҳамда унинг учун жазолаш тўғрисида»ги қўшимча баённомасида «одам савдоси» тушунчаси илк бор расман изоҳланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистонда ҳам одам савдосига қарши курашиш борасида самарали ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларга комиссияси ҳамда ҳудудий комиссиялар томонидан одам савдоси ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш ва одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий ва профилактик тадбирлар ишчи олиб боришмоқда. Аммо халқаро майдонда одам савдоси жиноятчилиги тобора авж олиб бораётгани бу муаммонинг олдини олишда фақат бир давлат ҳудудида эмас, балки халқаро ҳамжамият ҳамкорлигида кенг қўламли тадбирлар олиб бориш лозимлигини таъкидлаш лозим.

Бир сўз билан айтганда, одам савдоси на терроризм алоҳида бир давлатнинг муаммоси эмас. Бу бутун сайёрамизга хавф солаётган халқаро иллатдир. Шунинг учун ҳам бугунги мураккаб вазият дунё ҳамжамиятидан бир ёқадан бош чиқариб иш кўришни ва шу йўл билан мазкур муаммонинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий илдизини сўзуриб ташлашни тақозо этмоқда.

Ижтимоий реклама

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Қишлоқ ҳудудларини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирокчини таъминлаш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни, уй меҳнатини ташкил этиш ва ривож-

лантириш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш асосида янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини ишга жойлаштириш;

— минитехнологиялар ишлатилган қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш мақсадида ҳудудларнинг имкониятларини ўрганиб чиқишга кўмаклашиш, асосли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

— ижтимоий ва бозор инфрамуҳитини янада ривожлантириш, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш борасидаги ишлар қўламини янада кенгайтириш;

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганига ҳақиқатда кузатув хати;
2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳаси ва унинг электрон варианты funduz@parliament.gov.uz; fundngo@parliament.gov.uz электрон манзилига;
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақиқатда гувоҳнома нусхаси;
4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача. ННТларнинг ўз маблағларини жалб этиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин. Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 1 июнь соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдор шоҳ кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон рақамлари: 239-26-76, 239-26-64.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Сахийлик инъом этилган нарсаларнинг миқдори билан эмас, балки ўз вақтида берилиши билан ўлчанади.

Воқеалар, далиллар, шарҳлар

ЭНДИ НАВБАТ УЧАР МАШИНАГА



АҚШнинг «Terrafugia» компанияси дунёдаги биринчи учувчи автомобиль яратиш устида иш олиб бормоқда. 500 от кучига эга бўлган гибрид двигателли ушбу машина маиший электр тармоғидан қувват олиб, ҳавода 322 км/соат тезлик билан ҳаракатланиши кутиляпти. Муҳандислар учар автомобилни бошқариш оддийларига нисбатан бироз мураккаброк, аммо у фан тараққиётида мисли кўрилмаган янгилик бўлишини таъкидламоқдалар.

БЕРЛИН МЕҲМОНЛАР УЧУН ЯНГИ СОЛИҚ ЖОРИЙ ЭТДИ



Хабарларга қараганда, Германиянинг Берлин шаҳрида жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан сайёҳлар учун янги солиқ тури жорий этилади. Унга кўра меҳмонхона, уй ва шунга ўхшаш жойларда кўноқ толган сайёҳлардан 5 фоиз миқдорда солиқ ундирилади. Фақатгина шаҳарга иш юзасидан ташриф буорган меҳмонларга мазкур солиқ жорий этилмайди.

Статистик маълумотларга қараганда, ҳар йили Берлин 10 млн. га яқин сайёҳни қабул қилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунга ўхшаш солиқ тури Барселона, Флоренция ва Рим каби шаҳарларда ҳам мавжуд экан.

ЭЪЛОН

«XXI ASR» ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«XXI asr» газетасининг «ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАР УЧУН ҚўШИМЧА ИМТИЁЗ» акцияси доирасида газетга обуна бўлганлар эълон ва рекламаларини бепул чоп этиришлари мумкинлигини яна бир бор эслатиб ўтаемиз. **Хурматли тадбиркор ва фермерлар!** Агар сизга газета тарқатувчи ташкилотлар томонидан газета ўз вақтида етказиб берилмаётган бўлса, тахририятга мурожаат қилишингизни сўраймиз!

Манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Нукус кўчаси, 73-а уй. Мурожаат учун телефон: (8371) 215-60-45, 255-45-07, 281-40-17.



ЁПИҚЛИҚ ҚОЗОН ЁПИҚЛИГИЧА ҚОЛИШИ КЕРАК

АҚШда истиқомат қилувчи Клиф Клуз исмли киши «Кока-Кола» ичимлигининг сирли формуласини топиб олгани тўғрисида бутун дунёга жар солмоқда. Маълумотларга қараганда, Клуз ичимлик рецепти муаллифи таникли кимёгар Жон Пембертонга тегишли кўтани топган. Унинг ичиде эса XIX асрдан бери сақланаётган машҳур чанковосте ичимлигининг рецепти борлигини таъкидламоқда. «Кока-Кола» компанияси эса ушбу рецепт ҳақиқий эмаслигини, унинг асл нусхаси Атлантадаги «Кока-Кола олами» музейида жуда қаттиқ назорат остида сақланишини маълум қилган. Клуз ўзи топган рецептни айнан ана шу музейда сақланадиган рецептга ўхшаш эканлигини айтиб, формула учун 15 миллион доллар талаб этмоқда. Айрим манбаларда 2011 йилда ҳам АҚШнинг «Эн-пир» жамоат радиоси Интернет орқали ана шундай сирли рецепт ҳақида маълумот берганлиги айтилмоқда. Ушунда формула билан танишмоқчи бўлганлар шу даражада кўпайиб кетгани оқибатида интернет сайти оғирликини кўтара олмай, ишдан чиққан эди.

СЎНГГИ САҲИФА

Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 16-23 май кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгариб туради, айрим ҳудудларда вақти-вақти билан ёмғир ёғиши, момкалдирок бўлиши кутилмоқда. Шамол гарбдан 7-12 м/с тезликда эсиб, баъзи жойларда 19-20 майда 15-20 м/с гача кучаяди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кенаси 17-18 май кунлари 15-20, 19-20 майда 12-17 даража илқ, кундузи 32-37 даража илқдан 28-33 даража илқгача пасайиши мумкин. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кенаси 15-20 даражадан 12-17, кундузи эса 33-38 даражадан 28-33 даража илқгача пасайиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кенаси 17-19 май кунлари 15-20, кундузи 33-38 даража илқ, 20 майда ҳарорат пасайиб, кенаси 13-18, кундузи эса 30-35 даража илқ бўлиши кутилмоқда. Республикаимизнинг Шарқ — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр кўрсаткичлари кенаси 13-18, кундузи 17-18 майда 30-35, 19-20 май кунлари эса 27-32 даража илқ бўлиши кутилмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда 19-20 май кунлари қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момкалдирок бўлиши кутилмоқда. Ҳарорат кенаси 13-18 даража илқ, кундузи 17-18 майда 31-36, 19-20 май кунлари эса 27-32 даража илқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳафта охирида вақти-вақти билан ёмғир ёғиши, момкалдирок бўлиши мумкин. Ҳарорат кенаси 17-19 май кунлари 6-11 даража илқ, 20 майда 3-8 даража илқ, кундузи 22-27 даража илқдан 18-23 даража илқгача ўзгариб туриши кутилмоқда.



ТЕКШИРУВ



АНТИКА СЎТҚАФУРУНЛАР СИРИ ОЧИЛДИ

Жорий йилнинг ўтган даври мобайлида республикамиз божхоначилари томонидан 665 та қонуنبузарлик ҳолатлари аниқланиб, қиймати 8,3 млрд. сўмдан ортиқ бўлган салкам 51 минг донга уяли алоқа телефонлари ва 75 мингга турли хилдаги телефон аксессуарларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди. Маълумки, бугунги кунда ушбу замонавий алоқа воситасининг бозори чакон. Бундан факат ўз манфаатини ўйлаб, ички бозорга сифатсиз маҳсулотлар олиб кираётган кўштирок ичигади тадбиркорлар ҳам фойдаланиб қолмоқдалар. Яқинда пойтахтимиз божхоначилари бошқа ҳудудни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда йирик миқдордаги уяли телефон ва аксессуарларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйилди. Тезкор текширув чоғида фуқаро Ж.Рахимов салкам 10 млн. сўмлик телефон ва уларга тегишли бўлган турли анжомларни яширин равишда олиб келаётганда қўлга олинди. Шунингдек, Тошкент вилоятининг «Яллама» божхона пости орқали кириб келаётган фуқаро М.Юсупова салкам 2 мингта «сотка» учун мўлжалланган хотира карталарини антика йўл билан, яъни баданга ёпиштириб олиб ўтаётганда тўхтаб қолди. Пойтахт аэропорти божхоначилари ҳам Сеулдан учиб келган А.Хасановнинг қилмишини фош этдилар. Унинг салкам 7,7 млн. сўмлик Samsung Galaxy туркумидаги 20 донга смартфонни олиб ўтишга бўлган уриниши натижасиз тугади. Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда. Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

Асосий эътибор — «Электрон ҳукумат»га

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎзА муҳбири



Ўзбекистонда дастурий маҳсулотлар бозори жадал суръатда ривожланмоқда. Бунга Президентимиз Ислам Каримов томонидан соҳани ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор, ишлаб чиқарувчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида шакллантирилган қонунчилик базаси ёрдам бермоқда. Натижада телекоммуникация инфратузилмаси, мобил алоқа ва бошқа хай-тек маҳсулотларини ривожлантиришга қаратилаётган қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўшма мажлиси палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Алоқа, ахборотлантириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Шерматов ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

«Best Soft Uzbekistan — 2013» кўргазмаси бунинг ёрқин исботидир. Унинг экспозицияси йилда йилга кенгайиб бормоқда. Масалан, ўтган йили кўргазмада қарийб 40 миллион дастурий таъминот ишлаб чиқувчилари иштирок этиб, ўзининг 80 дан ортиқ ишлашмасини намойиш этган бўлса, бу йил 60 га яқин компания қарийб 120 та дастурий маҳсулотни тақдим этмоқда. Улар орасида ҳалқаро IT-компаниялар, ишлаб чиқарувчилар ва интеграторлар, контент-ишлаб чиқувчилар, хизмат кўрсатувчи провайдерлар бор.

— Ўзбекистоннинг дастурий маҳсулотлар бозори катта салоҳиятга эга ва у IT-мақонининг хорижий компанияларида катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди «SK e&S» компанияси бош директори Даниель Ким (Жанубий Корея). — Шу сабабли, кўргазмада, биринчи навбатда, Ўзбекистон корхоналари ва ташкилотлари билан янги дастурий таъминоти ишлаб чиқиш ҳамда жо-

ририй этиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида иштирок этмоқдамиз.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг худудий бўлимлари экспозицияси кўргазмага ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Олий ўқув юрти талабалари томонидан яратилган «Мультимедиа амалий дастурлар пакети» курси бўйича масофадан туриб ўқитиш учун мультимедиа ўқув қўлланмаси, электрон таржимон дастурий таъминоти, инглиз тили мобил навигатори, пластик картончалардан фойдаланган ҳолда давоматни рўйхатта ва ҳисобга олиш тизими намойиш этилмоқда. Энг яхши ишланмалар алоҳида стенддан жой олган. Улар орасида янги «Антиспам» дастурий маҳсулоти ҳам бор.

— Кўргазмада 99 фоизгача спам-хабарларни таҳлил этиш ва блокировка қилиш имконини берадиган «Антиспам» ишланмалар намойиш этилаётганидан хурсандман, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети магистранти Темур Рафиқов. — Бундай тадбирлар самараси ва ёш дастурчилар кўмағида тадқиқот ўтказиш, тажриба алмашиш ва софтвер соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўйиш имконига эга бўлмоқдамиз.

Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази вориси бўлган «ВеПро» дастурчилар марказининг стенди ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Марказ «Dorrix» операция тизими, объектларга ташриф буюрувчиларни рўйхатта ва ҳисобга олиш нazorat қилиш учун «VuyurtmaData», «KaDaTa» ахборот-кутубхона марказларининг дастурий таъминоти, поликлиникалар ва стационарларда бизнес-жарабни автоматлаштириш учун «MedData» дастурий таъминоти каби ишланмаларини бу ерга ташриф буюрганлар эътиборига ҳавола этмоқда.

Мазкур «Best Soft Uzbekistan — 2013» кўргазмаси доирасида давлат ҳокимияти органилари фаолиятини ташкил этишининг янги шакли — ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳисобидан ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланиш ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органилари фаолиятини натижалари ҳақида ахборот олиш тезкорлиги ва қўлайлигини таъминлайдиган «электрон ҳукумат» тизимини жорий этишга алоҳида эътибор берилганлиги таъкидлаш жоиз.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда «электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг мамлакатимизда давлат бошқарувининг янги жабҳасига ахборот-коммуникация технологияларини изчил жорий этишга доир амалга оширилаётган кенг кўламли ишхотлар тақозо этмоқда. Айни пайтда давлат ҳокимияти органилари томонидан веб-сайтлар ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали-

БУ — ҚИЗИҚ

ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛДАГИ КЎЧМЎЧ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Кундалик ҳаётимизда деярли ҳар кунга учрайдиган электрон почта манзилларини ифода этиш учун фойдаланиладиган «@» белгиси интернет кашф этилишидан анча аввал муомалада бўлганини кўпчилик билмас керак. Хусусан, Уйғониб даври, яъни XV-XVI асрларда мазкур белги испан ва француз тилларида 12-13 кг.га тенг оғирлик ўлчов бирлиги — арроба бўлини ифодалаш учун ишлатилган бўлса, кейинчалик «кўчмўч» асосий «принцип»нинг юк хатларига қўйилган. Зеро, ана шу ҳужжатларда «@» белгиси анча вақтгача инглиз тилидаги «at», яъни «гача», «қадар» сўзининг қисқартирилган варианты ролини «иқро этиб» юрди. Табиийки, бухгалтерия ишига аралашган белги ёзув машиналарининг клавиатураларидан ҳам ўрин олди.

Шу боис ҳам АКШнинг BBN Technology компанияси тадқиқотчиси Рэй Томлинсон маълум масофада турган компьютерга хабар ва маълумотларни жўнатиш имкониятини берадиган почта дастурини яратиш давомида электрон манзилни ифодаловчи белгини ташлашда кийналмади. Шу тариқа секин-аста юк хатларидан мавқеини йўқотган «@» тез орада интернет тизимидagi энг фол белгилардан бири сифатида машҳур бўлиб кетди.

ПАКЕТЧАЛИ ЧОЙ ҲАМ — ТАСОФИЙ КАШОФ

Маълумотларга кўра, бошқа бир қатор оламшумул кашофлар сингари пакетчали чой ҳам тасофий ўйлаб топилган экан. Ҳаммаси америкалик танили чой магнати Томас Саливан мазкур ичимликни тайёрлашнинг янги усулини ихтиро қилиш мақсадида эмас, балки ҳаражатларни қисқартириш учун яна бир янгиликка қўл урушидан бошланган. Хусусан, у ўзининг йирик миқдорларда чойнинг янги навларини аввалгидек ўртача катталиқдаги тунука идиш ёки қўтиларга эмас, балки қўлда тикилган митти шойи пакетчаларга жойлаб жўната бошлаган.

Ахамиятисини, ҳамкорларга айнаган ана шундай қадоклаш усули ёқиб қолган ва улар пакетчали чойга қўйилмаганда кўп буртма бера бошлаган.

Табиийки, мазкур технология ҳам вақти-вақти билан «такомиллаштирилиб» борилган. Жумладан, шойи ўрнини аввал дека, кейин эса «хитой қоғози» эгаллаган. Ўз навбатида, замонавий кўринишдаги пакетчали чой халқаро бозорга 1929 йилда германиялик тадбиркор Адольф Рамбольд ташаббус билан чиқарилишини айтиш жоиз.

Ш.Хўжаев тайёрлади.

РЕКЛАМА

Автомобили УАЗ

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

УАЗ Patriot (comfort) — пикап

Полноприводный (4x4)

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

LADA БИЗНЕС

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.

ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.

ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.

ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

БИР ХОВУЧ ДУР

Болаларда Ватанга муҳаббат уйғотишининг энг яхши воситаси оталарнинг Ватанини севишларидир.

Инсон юқорига ўрлаган аланга ва настига шўнгиган тош каби туғилиши биланоқ ҳаракатга интилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИНЕРАЛ ЎГИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ЭНГ ЙИРИК КОРХОНА «NAVOIYAZOT» ОАЖ ҚЎЙДАГИ МАХСУЛОТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

МИНЕРАЛ ЎГИТЛАР:

- азот-фосфорли ўғит
- аммоний хлориди
- аммоний сульфати
- калийли ўғит
- техникавий сувли аммиак

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БАРЧА ФЕРМЕРЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навоий-5
Сайт: www.navoiyazot.uz, e-mail: office@navoiyazot.uz
Факс: (+99879) 223-75-80
Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99; e-mail: market@navoiyazot.uz
Сотув бўлими: (+99879) 229-25-34; e-mail: sale@navoiyazot.uz

Маҳсулотлар сертификатланган